



**ракъат ўқидим, деб олсин. Агар уч ракъат ўқидими, тўрт ракъат ўқидими, била олмай қолса, уч ракъат ўқидим, деб олсин ва салом беришидан олдин иккита саҳв саждаси қилсин», дедилар».**

*Аҳмад ва Термизий ривоят қилганлар.*

Аввало ҳадиси шарифнинг ровийси Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик.

Абдурраҳмон ибн Авф Зухарий ал-Қураший, кунялари Абу Муҳаммад.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу воситаларида саккизинчи бўлиб Исломога кирган, Ҳабашистон ва Мадинага ҳижрат қилган, жаннатга киришларига башорат берилган ўнта саҳобийларнинг бири.

У киши Бадр, Уҳуд, Хандақ, Ризвон байъати ва бошқа бир қанча ғазотларда иштирок этган, Уҳуд жангида йигирма бир жойидан жароҳатланган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам воситаларида Саъд ибн Абу Робеъ билан исломий биродар бўлган, бадавлат ва саҳий саҳоба эдилар.

Бу зот кўп мол соҳиби эдилар. Бир куннинг ўзида ўттизта қул озод қилганликлари ва бир карвонни Аллоҳ йўлида эҳсон этганликлари тўғрисида китобларда ёзилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Абдурраҳмон ибн Авф осмонда ҳам, ерда ҳам аминлардандир», деб марҳамат қилганлар.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 65та ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан Ибн Аббос, Ибн Умар, Жобир, Анас ибн Молик, Жубайр ибн Мутъим, Абу Салама, Мусъаб ибн Умайр, ўғиллари Иброҳим ва Хумайд ва тобеъинлардан бир нечалари ривоят қилганлар.

Абдурраҳмон ибн Авф ҳижратнинг 32-йили Мадинада вафот этдилар ва Бақиъ қабристонига дафн қилиндилар.

Юқоридаги ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда ракъатларнинг сонини унутиб қўйишнинг уч тури ва шундай ҳолатларда нималар қилиш кераклигини баён этиб бермоқдалар.



*Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Имом икки рақъатдан кейин туриб кетса, агар ғоз туриб олишдан олдин эслаб қолса, ўтирсин. Агар ғоз туриб олган бўлса, ўтирмасин, икки марта саҳв саждаси қилиб олади», дедилар».**

*Абу Довуд, Аҳмад ва Байҳақийлар ривоят қилганлар.*

Ким икки рақъатдан кейин биринчи ташаҳхудга ўтирмай, туриб кетса ёки тик турганлик ҳолига яқинлашиб қолса, намозини давом эттиради.

Охирида икки марта саҳв саждасини қилиб олиши билан намози тугал бўлади.

Агар энди ҳаракат қилаётганда ёки тик тургандан кўра, ўтирган ҳолга яқин ҳолатда эслаб, ўтириб олса, намозини давом эттираверади.

نَبِيٌّ عَكَرَ لَصَّ اَمَلَفُ رِيْغُمْلَا اَنْبَ لَصَّ : لَاقُ هُوَ عُلْ لَلَا يَضْرَعُ اَلْعَنْبَ دَايَزُ نَع  
نَمَّ عَرَفُ اَمَلَفُ ، اُوْمُوقُ نَأْمُ هِيْلَ اِ رَاشَأَفُ هَفَلْخُ نَمَّ وَبَحَّ بَسَفُ ، سَلْجِي مَلْوَ مَاقُ  
هُ لَلَا لَصَّ هَلْ لَلَا لُؤْسَرَعَنْصَ اَدَكْ هَ : لَاقُ وَ مَلْسَوُؤْ هَسَلَا يَتَدَجَّ سَدَجَسَ وَ مَلْسَوُؤْ هَتَا لَصَّ  
دُوَادُ وُبَأُوْ يَذْمُرَّتْ لَأُ هَأَوْرَ . مَلْسَوُؤْ هَيَلَعُ

*Зиёд ибн Илоқа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Муғийра бизга намозга ўтди. Икки рақъат ўқиганидан кейин ўтирмай, туриб кетди. Бас, орқасида турганлар тасбеҳ айтдилар. У эса уларга «туринглар», деб ишора қилди. Намоздан фориғ бўлганида салом берди ва икки саҳв саждасини қилди, кейин:**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар», деди».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Аввало ҳадиси шарифнинг ровийси Зайд ибн Илоқа розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Зайд ибн Илоқа ибн Молик ас-Саълабий, кунялари Абу Молик Куфий. Ҳижратнинг 36-йилида таваллуд топдилар.

Ҳадис илмида ишончли бўлганлар. Ҳадис олимлари бу зот ривоят қилган ҳадисларни саҳиҳ, деб тан олганлар. Бу зот тобеъинлардан бўлиб, ҳадисларни амакиларидан, Усома ибн Шарик, Жарийр ибн Абдуллоҳ,

Муғийра ибн Самуралардан ривоят қилдилар. Бу кишидан Суфён, Аъмаш, Симок ибн Ҳарб, Шайбонийлар ривоят қилганлар.

Зайд ибн Илоқа ҳижратнинг 135-йили вафот этдилар.

Имом адашиб, намозда хато қилса, унга эслатиш учун ортида иқтидо қилиб турган қавм «Субҳаналлоҳ!» деб тасбеҳ айтиб, огоҳлантиради. Ана шунда имом ўз хатосини тўғрилаб олади. Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу қавм тасбеҳ айтган пайтда ғоз туриб, қайта ўтирса бўлмайдиган ҳолга етганлари учун ўтирмадилар. Қавм эса у кишининг ўтиришларини кутиб, ўтириб қолди. Шунда Муғийра розияллоҳу анҳу уларга «туринглар», деб ишора қилдилар. Намозни давом эттириб, салом бердилар ва кейин саҳв саждасини қилдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Имом адашса, қавм тасбеҳ айтиб, уни огоҳлантириши.
2. Тик туриб олгандан кейин биринчи ташаҳҳудга қайтиб ўтириш мумкин эмаслиги.
3. Имом қавмга «туринглар», деб ишора қилиши мумкинлиги.
4. Саҳв саждасининг саломдан кейин қилиниши.
5. Имом қавм тушунмай қолган нарсани уларга баён қилиб бериши зарурлиги.
6. Муғийра розияллоҳу анҳунинг қилган ишлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилган ишларига мос эканлиги.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.